БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 59 (1579)
23 МАРТ
ЧОРШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУН Н. С. ХРУШЧЕВ ДАВЛАТ ВИЗИТИ БИЛАН ФРАНЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТАДИ

НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ, Францияга қиладиган сафарингизда Сизга оқ йўл тилаймиз!

☆ ☆ ☆

Тинчлик ишига салмоқли ҳисса

Яқиндагина прогрессив инсоният тинчлик жарчиси, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг шарқи-жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган тарихий сафарини зўр диққат билан кузатган, унинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, ядро қуролини тақиқлаш, мустамлакачиликка чуқур гўр кавлаш тўғрисидаги оташин нутқларини ҳаяжонланиб тинглаганди. Совет халқлари билан Индонезия, Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада гуллаб-яшнашидан бениҳоя мамнун бўлган эди.

Бугун жонажон Ватанимизда яна шоду хуррамлик ҳукм сурмоқда, яна бир буюк воқелик рўй берди. Қадрдон Никита Сергеевич улуғ Батан уруши йилларида биз билан ёнма-ён туриб, фашист босқинчиларига қарши баҳодирона курашган французлар юртига, Париж коммунарлари авлодларининг ҳузурига, тинчлик фронтининг олдинги сафларида бораётган Франция халқининг хонадонига йўл олди. Биз ўртоқ Хрушчевни кузатиб, унга оқ йўл тиларканмиз, атоқли давлат арбобимизнинг француз меҳнаткашларига бутун совет халқи номидан, шу жумладан ўзбек эли номидан алангали салом топширишини, бизнинг тинч-тотув яшашга интилаётганимизни айтишини биламиз.

Демак, ишончимиз комил: дўстларимизнинг қалблари қалбимиз садосини эшитади, эзгу тилакларимизни тушунади. Бас шундай экан, сафарнинг муваффақиятли бўлиши, унинг жаҳонда тинчликни, Совет ва Франция халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаши муқаррар.

Жаҳон ПИРМУҲАМЕДОВ,
«Узбексельмаш» заводининг инженери.

ФРАНЦИЯ ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИНИ КУТМОҚДА

Франция халқи ва жамоатчилиги бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун толмас курашчи Н. С. Хрушчевнинг Францияга келишига жуда катта тайёргарлик кўрмоқда. Мен Франция Коммунистик партиясининг органи «Юманите» газетасини мунтазам олиб ўқиб тураман. Яқинда бу газетада Н. С. Хрушчевнинг таржимаи ҳоли босилиб чиқди. Газета ўзининг якшанба кунида чиққан сонида Н. С. Хрушчевнинг бу ерга келишини француз халқи сабрсизлик билан кутаётганлиги тўғрисида бундай деб ёзади: мана, бутун дунё ишчилар ҳаракати тарихида муҳим роль ўйнаган қадимий Париж. Манз «Интернационал»нинг биринчи марта садоси чиққан коммунарлар ватани! (Интернационал автори француз шоири Э. Потье). Балки сизни Бальзак, Рабле, Рансарлар ватани—Туран қизиқтирар; балки машҳур вино маркази — Бордо ёки нефть маркази — Лак шаҳарлари қизиқтирар! Балки Марсель шаҳрининг хушчақчақ аҳолиси билан суҳбатлашишни истаётирсиз! Марҳамат, азиз меҳмон! Барча халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатлари ўрнатилишини чин кўнгилдан истаётган француз халқининг азиз меҳмони бўлинг!»

«Юманите» газетаси ўзининг кейинги сонларидан бирида, бир саҳифа фоторепортаж бериб, бунда Франция фан ва маданият арбобларининг Н. С. Хрушчевнинг визити тўғрисидаги фикрларини босиб чиқарди.

Бу тарихий визит ҳар икки халқнинг бир-бирини яхши англашга, сиёсий маданий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам алоқалар боғланишига олиб келади деб умид қиламиз.

Т. АЛИҚУЛОВ,
ўқитувчи.

ОҚ ЙЎЛ

Никита Сергеевич Хрушчевнинг АҚШга, шунингдек Ҳиндистон ва Индонезияга қилган сафари жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшди. Совет ҳукумати бошлиғи Америка Қўшма Штатларида бўлганида биз унинг саёҳати натижаларини зўр қизиқиш ва мамнуният билан кузатиб бордик. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан айтган ҳар бир сўзи, Америка-Совет дўстлигини янада яхшилаш соҳасидаги ҳар бир фикри колхозимиз аъзоларини фидокорона меҳнатларга отлантирди. Ахир оламда тинч ижодий меҳнат қилишдан ҳам муътабарроқ нарса борми!

Мана энди қадрдонимиз Никита Сергеевич Франция томон йўл олмоқда. Биз унинг бу сафаридан ҳам беҳад қувончли натижалар кутмоқдамиз. Илгариги сафарларда америка-совет, индонез-совет, афғон-совет халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланган бўлса, эндиги сафар натижасида француз халқлари билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ҳам янада мустаҳкамланади, деб ишонамиз. Шунинг учун ҳам биз барча совет кишилари каби Никита Сергеевич Хрушчевга оқ йўл тилаймиз.

Нажим ТЎҚСОНОВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхози бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Париж. Катта бульварлар. Сен-Дени дарвозаси.
Франс Пресс фотоси.

☆ ☆

Париж Н. С. ХРУШЧЕВНИ кутиб олишга тайёрланмоқда

ПАРИЖ, 22 март. ТАСС мухбири Н. Ленский хабар беради:

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Францияга келиши Франция пойтахтида тобора кучли суратда ҳис этилмоқда. Париж газеталарининг деярли ҳаммаси бу визитга саҳифалар бағишламоқдалар ва мамлакат харитасини босиб чиқариб, Н. С. Хрушчев ўтадиган маршрутларни кўрсатмоқдалар ва бу сафарнинг этапларини батафсил тасвирламоқдалар. Франция радиоси ва телевидениесининг ҳар бир эшиттириши ана шу визитга тааллуқли янги хабарлар билан бошланади.

Франция-Совет муносабатларидаги ана шу тарихий кунинг яқинлашиб қолганлиги Париж атрофидаги ишчи шаҳарчаларида айниқса кучли ҳис этилмоқда. Шаҳар атрофидаги Шуази-ле-Руа, Сен-Дени, Витри, Иври, Монтрей, Баньоле ва Сент-уан хозирданоқ байрам либосида. Биноларнинг фасадлари, майдонлар, шаҳар идоралари биноларига илиб қўйилган лавҳаларда қуйидаги шиорлар кўзга ташланиб турибди: «Яшасин Франция-Совет дўстлиги!», «Франциянинг меҳмони, тинчлик элчиси Никита Хрушчев мамлакатимизга марҳамат қилинг!», «Яшасин икки давлат бошлиқларининг учрашуви!».

Париж атрофидаги шаҳарларнинг асосий магистраллари ва кўчалари бўйлаб ўрнатилган баланд ҳодаларга СССР ва Франциянинг давлат байроқлари, шунингдек ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи эмблемалари тикилган. Бу эмблемалар ўроқ ва болға шаклида тасвирланган.

Аҳолиси Франция миллат мажлисига ўтказиладиган сайловларда нечта ўн йилларидан буён Морис Торезни ёқлаб овоз бериб келаётган Иври шаҳар идораси биноси фасадида халқлар ўртасидаги тинчлик символи — оқ каптарлар сурати кўзга ташланиб турибди. Шиорларда бундай дейилади: «Яшасин Франция—Совет дўстлиги!», «Тинчлик, қуролсизланиш учун, Германия проблемасини ҳал этиш учун, иқтисодий ва маданий алоқа ўрнатиш учун!», «Франциянинг буюк дўсти раис Хрушчевга салом!». Кўп уйларнинг деразаларида қизил байроқчаларни кўриш мумкин.

Н. С. Хрушчевнинг Париж атрофидаги Шуази-ле-Руа шаҳрига қиладиган визити муносабати билан кўчаларда совет ва француз китобларини сотиш ташкил қилинди.

Пойтахт атрофидаги Монтрей шаҳар идораси биносининг балконига Н. С. Хрушчевнинг катта портрети қўйилган.

МАДАНИЯТ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ— МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

КПСС Марказий Комитети коммунизм қурилиши авж олдириб юборилган ҳозирги шароитда халқ оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар савиясини кўтариш, партия пропагандасини халқ ҳаёти билан мустаҳкам боғлаш масалаларига ниҳоятда катта эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари» деган тарихий ҳужжатида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг кенг программаси белгилаб берилган. Совет кишиларини фидокорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқнинг сиёсий активлигини, марксча-ленинча онглилигини ошириш, ишчи, деҳқон, зиёлиларнинг садиқ эстетик дидларини тобора ўстириб бориш — муҳим вазифадир.

Коммунистик пропаганда ва агитациянинг энг қулай ва халқчил формаларидан бири — маданият университетларидир. Омманинг ижодий ташаббуси, активлиги туфайли бунёдга келган маданият университетлари меҳнаткашларни коммунизм ғоялари руҳида тарбиялашда жуда катта роль ўйнамоқда. Улар илм-фан, маърифат ўчоғи, ижод ва ташаббус мактаби бўлиб қолаётирлар.

Ҳозир Ватанимизда 2 мингга яқин маданият университети бўлиб, уларнинг турли факультетларида бир миллиондан ортиқ киши ўқуқ ва ахлоқ, кино ва театр, адабиёт ва тасвирий санъат соҳаларидаги ўз билимларини бойитмоқдалар. Маданият университети машғулотларига қатнашаётган ҳар бир киши ўз билимини ошириш билан бирга маънавий бойлигимиздан баҳраманд бўлмоқда, маданий дам олиб, ҳордиқ чиқармоқда. Кўпгина маданият университетларининг машғулотлари жонли ўтмоқда, музика, тасвирий санъат, кино, театр асарларидан олинган парчалар билан бойитилиб ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги бир қанча маданият саройлари ва уйларида, халқ ижоди уйларида ташкил этилган маданият университетларида машғулотлар айниқса қизғин ўтаётир. Тошкент тўқимачилари, Чирчиқ кимёгарлари Олмалиқ кончилари, Янгиер қурувчилари, пойтахт темирйўлчилари ўзлари севган факультетларнинг машғулотларига активлик билан қатнашиб, фан ва техника арбобларининг, бой тажриба орттирган мутахассисларнинг лекцияларини зўр қизиқиш билан тингламоқдалар, адабиёт ва санъат усталари билан учрашиб, уларнинг ижодларини ўрганмоқдалар, совет музикаси, тасвирий санъати, кинематографиясининг янги ютуқларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Тошкент шаҳридаги Куйбишев район маданият уйи ҳузурида очилган маданият университети бир қанча заводларда ўзининг факультетларига эга бўлиб, самарали ишламоқда. Машғулотлар бу ерда мунтазам бўлиб турали. Бу университет жуда кўп тингловчиларига, университет ишига ёрдам берувчи активларга эга.

Яқинда Темирйўлчилар маданият саройи ҳузурида ташкил этилган маданият университети совети аъзолари янги бир ташаббусни бошлаб бердилар. Совет хайатига кирган хормейстерлар, созандалар, санъаткорлар Тошкент темир йўлига қарашли станцияларга бориб, жойларда хор, музика, драма тўгараклари тузиш, бадиий ҳаваскорлик ишини янада жонлантиришга ёрдам бермоқдалар. Ҳамза номли, Горький номли театрлар, Давлат консерваторияси, Театр-рассомчилик институти ва бошқа муассасалар маданият университетлари ишига актив кўмаклашмоқдалар.

Лекин ҳали кўпгина ташкилотлар, айрим партия ва совет органлари маданият университетларининг ролига етарли баҳо бермаётирлар, уларнинг ишига яқиндан, актив ёрдам кўрсатмаётирлар. Областимиз қишлоқ районларида шу вақтга қадар битта ҳам маданият университети ташкил этилмаганлигини қандай баҳолаш керак? Область маданият бошқармаси ва район партия ва совет ташкилотлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари лозим. Ваҳоланки юлхозларда маданият университети ташкил этиш учун бизда барча имкониятлар бор.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим маданият университетлари дастлаб ўз фаолиятларини яхши бошлаган бўлсалар ҳам кейинги вақтларда ишни анча сусайтириб юбордилар. Тошкент электрлампа, «Ташкентқабель» заводларининг маданият университетлари бунга мисол бўлаолади. Бу корхоналарнинг партия ташкилотлари район партия ва совет органларининг ёрдами билан мазкур маданият университетларининг ишини яна ҳам яхшилашлари, машғулотларнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлашлари лозим.

Республика Маданият министрлиги, область маданият бошқармаси, халқ ижоди уйи энг яхши маданият университетлари ишини умумлаштиришлари, яхши тажрибаларни кенг ёйишлари, мукаммал программа ва методик қўлланмлар тайёрлаб беришга жиддий эътибор қилишлари керак.

Маданият университетлари ишини маданият лекторийлари, клубларда ўтказиладиган циклли лекциялар билан алмаштиришга мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим. Машғулотларда ҳозирги давр учун энг зарур бўлган билимларни кенг пропагандда қилишга, совет адабиёти, санъати, музикасининг ютуқларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Маданият университетларини малакали лекторлар билан таъмин л а ш д а сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг республика, область ва шаҳар бўлимлари ўз ишларини янада яхшилашлари лозим. Шунга эришиш керакки, мада н и я т университетларининг ҳар бир тингловчиси 2—3 йил мобайнида ўзи танлаб олган соҳада программадаги энг зарур билимларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлсин. Радио ва телевидение орқали берилаётган маданият университетлари машғулотларини янада жонлироқ ва қизиқарли қилиш талаб этилади.

Маданият университетларини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, уларни халқ оммасини тарбиялаш, кишиларнинг эстетик дидларини ошириш, ҳар бир меҳнаткашга коммунистик ахлоқ нормаларини сингдириш ишига ёрдам берадиган ҳақиқий маърифат ўчоқларига, тарбия мактабларига айлантирайлик.

ЖАСОРАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

☆ ☆ ☆

Нью-Йорк тинглайди

Трансатлантик сими ёнида Анатолий Крючковский

КИЕВ, 20 март. (ТАСС). Бугун Москва вақти билан соат 16 дан 30 минут ўтганда (Нью-Йорк вақти билан соат 8 дан 30 минут ўтганда) Украина телеграф агентлигининг мухбири Д. Донской СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонасининг Нью-Йорк яқинида жойлашган Гленковдаги дачаси билан боғланди. Ана шу дачада совет тўрт довюрак солдати дам олмоқда.

Телефон ёнига Анатолий Крючковский келди.

Жонажон Ватанимизнинг овозини эшитишдан, — деди у, — ҳаммамиз ҳам жуда бахтиёрмиз. Биз Ватанимизга ложи борича тезроқ қайтишни истаймиз. Узимизни яхши ҳис этаяпмиз. Муътадил овқатланиш, дам олиш, совет кишиларининг, ҳукуматнинг ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевнинг бизга нисбатан самимий ғамхўрлиги бизларга куч-қувват бағишлади.

Ҳозирда биз дам олаяпмиз. Кеча Гленков билан танишдик. Бугун эса кундуз соат бирда Нью-Йоркни тамоша қилиш учун чиқамиз, кечқурун АҚШда ўз гастролларини ўтказаётган Грузия рақс ансамбли концертини бориб кўрамиз.

Биз бизга ғамхўрлик қилаётган кишиларнинг ҳаммасидан ғоят миннатдормиз. АҚШда чиқаётган украин газеталарини, «Правда»мизни, Нью-Йоркка келаётган телеграммаларни ўқир эканмиз, ана шу ғамхўрликни ҳис этиб турибмиз.

Биз бизни ҳамма ерда ҳам қандайдир одатдан ташқари кишилар сифатида тасвирлаётганликларидан хижолат чекмоқдамиз. Биз ҳар қандай совет кишиси сингари оддий кишиларміз-ку, ахир.

Рост, қирқ тўққиз кеча ва қирқ тўққиз кун бизлар учун жуда қийин ва даҳшатли бўлди. Лекин ўртоқлик ёрдами ва сабот-матонат денгиз стихияси ва ўлимдан кучлироқ бўлиб чиқди.

Асхат Зиганшин, Филипп Поплавский ва Иван Федотов менинг садоқатли дўстларимдир, мен эса уларнинг абадий содиқ дўстларидирман.

Суҳбат охирида А. Крючковский бундай деди:

— Яқин кунларда биз Совет Иттифоқига қайтамиз. Нью-Йоркдан пароходда Франциягача боришимизни, Париждан эса самолётда Москвага жўнаб кетишимизни бизга айтишди. Москвадан уйларимизга жўнаб кетамиз, сўнгра эса жанговар сафда яна ўз ўрнимизни эгаллаймиз.

Қаҳрамоннинг ота-онасига совға

Ўзбекистон меҳнаткашлари Тинч океан стихиясидан ғолиб чиққан тўрт совет қаҳрамон жангчисининг номига сон-саноқсиз хат ва телеграммалар юборибтурибдилар.

Илгари ишчилар ва ҳозир пенсионерлар бўлган эр-хотин Фасах ва Минзифа Шарофиддиновлар бугун эрталаб Тошкент почтамтига келдилар. Улар бу ерга ўзлари билан каттагина посилка олиб келган эдилар. Посилкага аниқ ҳарфлар билан: «Куйбишев области, Шентала қишлоғи, Рахимзян ва Хатима Зиганшинларга» деган сўзлар ёзилган эди. Ўз ўртоқлари билан мардлик ва руҳий матонатнинг ажойиб намунасини кўрсатган комсомол аъзоси Асхат Зиганшиннинг ота-онасига Тошкент кишилари ўзбек дўпписини, миллий расм солинган рўмолча ва қуруқ мевалар совға қилиб юборди.

Посилка ичига хат ҳам солинган. Фасах ва Минзифа Шарофиддиновлар қаҳрамоннинг ота-онасига қизғин салом йўллаб, жонажон Ватанга содиқ бўлган чин совет ватанпарварини тарбиялаб вояга етказганлари учун уларга ташаккур билдирадилар. (ЎзТАГ).

ДОВЮРАКЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 19 март. (ТАСС). Ўзларининг қаҳрамонликлари билан бутун дунёни ҳайратда қолдирган тўрт совет солдати ҳозир Нью-Йорк яқинидаги осойишта ва шинам Гленков шаҳарчасида дам олмоқда. Бу йигитлар билан гаплашиш ватижасида уларнинг Тинч океанда кўрсатган қаҳрамонликлари, Америка газеталари «мўъжиза» деб ном берган ва совет кишиларининг юксак маънавий хислатларини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатган бу қаҳрамонликнинг тафсилотлари маълум бўлди.

Бу тўрт йигит ўзиюрар 36-баржада вахтада турган эдилар. 17 январь ўтар кечаси денгиздан қаттиқ шамол туриб, қор ёға бошлади. Тўфон бошланди.

Оролдагилар қитъадан пароход келишини интизор бўлиб кутмоқда эдилар. Младший сержантлардан Зиганшин ва П. Троцюкнинг ўзиюрар баржалари шу кема юкларини бўшатишда иштирок қилиши лозим эди. Тўфон бошланган вақтда улар соҳилдан 250 метр нарида гурган эдилар.

Ҳар иккала баржани бир-бирига боғлаб турган пўлат арқон эрталаб соат 8-30 минутда узилиб кетди. Троцюкнинг баржасини тўлқин кўрфазнинг ўртасига олиб кета бошлади. Бирок, бу экипаж жуда кўп куч ва ғайрат сарфлаб, баржани яна ўз жойига олиб келди ва 36-баржага биркитиб қўйди.

Довул кучая берди. Жуда баланд кўтарилаётган тўлқинлар ҳар иккала кемани у томондан бу томонга улоқтирмоқда эди. Зиганшин баржасини соҳил бўйидаги қозиққа боғлаб турган пўлат арқон узилиб кетди. Зиганшин ўз баржасини Троцюк баржасига улаб турган капрон арқонни қирқиб юбориш тўғрисида команда берди.

Сержант Зиганшин соҳил билан алоқа боғлашга муваффақ бўлди. У, кеманинг аҳволини ва унинг қаерда турганлигини қўмондонликка маълум қилди. Соҳилдан, радио орқали ҳар 15 минутда хабар юбориб туринг, деган буйруқ олинди.

Кечқурун соат 6 да шамол антеннани ағдарди, шундан сўнг соҳил билан бўлаётган алоқа ҳам узилди. Яна бунинг устига шу воқеадан бир неча кун муқаддам баржа радисти Анатолий Лелетин бетоб бўлиб қолган эди. Ҳозир унинг йўқлиги айниқса сезилди.

Кечқурунгача кеманинг устини қалин муз қоплади, солдатларнинг кийимлари ҳам музлаб қолди. Шўр сув солдатларнинг кўзига сачраб, уларнинг кипригини музлатиб қўймоқда эди. Йигитлар бу офатга қарши фидокорона курашдилар. Мотористлар Филипп Поплавский ва Анатолий Крючковский аниқ ишлаб турдилар. Младший сержант Зиганшин штурвални қўлдан чиқармади. Рядовой Федотов компаснинг ликиллаб турган тилини тинимсиз кузатиб турди.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

Н. С. ХРУШЧЕВ ВА КВАМЕ НКРУМА БИР-БИРЛАРИГА МАКТУБ ЮБОРДИЛАР

Гана мустақил деб эълон қилинган кунниг уч йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 5 мартда Гана бош министри доктор Кваме Нкрумага табрикнома юборди. Табрикномада айтилишича, совет халқи Гананинг ўз суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий экономикани вужудга келтириш, халқнинг фаровонлигини янада ошириш ва унинг ўз мустаққил маданиятини ривожлантириш учун олиб бораётган курашига самимий ҳайрихоҳлик билан қарайди. Н. С. Хрушчев ишонч билдириб айтадики, ҳар иккала мамлакат ўртасида ўрнатилган ва тенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик буюк принципларига асосланган яхши дўстона муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, умумий тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боради.

Гананинг Москвадаги элчихонаси 18 мартда Гана бош министри доктор Кваме Нкруманинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга юборган жавоб мактубини топширди. Гана бош министри ўз мамлакати мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан юборилган самимий табриклар учун чуқур миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилади. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти атом реакторини қуриш ва ишга туширишда қатнашганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди: Убай Орипович **Орипов** — академик, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтининг директори, Александр Иванович **Васин** — СССР Фанлар академияси Атом энергияси институти директорининг ўринбосари, Николай Александрович **Гребешков** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Николай Васильевич **Звонов** — СССР Фанлар академияси, Атом энергияси институти объектининг бош инженери, марҳум Игорь Васильевич **Курчатов** — академик, СССР Фанлар академияси Атом энергияси институтининг директори, Валентин Алексеевич **Левша** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Константин Назарович **Мешчеряков** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Александр Михайлович **Миклишанский** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Виктор Иванович **Синицин** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Сергей Васильевич **Стародубцов** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Институт ядро физикаси бўлимининг раҳбари, Михаил Алексеевич **Шчусев** — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ устахонасининг мудири. Жами 26 киши мукофотланди.



Париж. Юлдузлар майдони ва Зафар арки.
Франс Пресс фотоси.

В. И. Ленин, Д. Бедний ва РКП(б) VIII съездига Украинадан делегат бўлиб келган Ф. Панфилов. 1919 йил, март. Леонидов фотоси. (ИМЛ архиви).

„Ленин Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида" номли тўплам

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти «Ленин Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида» номли тўпламни нашр этди. Бу тўпламни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти босмага тайёрлаган.

Владимир Ильичнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Совет давлати барпо қилинганидан кейинги даврга тааллуқли асарлари бу тўпламга киритилган. Баъзи асарлар ва нутқлар тўлиқ босилмаган, яъни ана шу асар ва нутқлардан тўплам темасига бевосита тааллуқли бўлган қисмларгина келтирилган.

Бу тўпламдаги материаллар В. И. Ленининг буюк давлат арбоби ва тинчлик учун курашчи эканлигини ёрқин характерлаб беради.

Тўплам В. И. Ленининг Советларнинг Бутун Россия II съездида 1917 йил 26 октябрда (8 ноябрда) қилган доклади билан бошланади. Бу доклад юзасидан Совет ҳокимиятининг сулҳ тўғрисидаги тарихий декрети қабул қилинган эди.

Тўпламда доҳийнинг Генуя конференциясида қатнашган совет делегациясининг вазифалари ва тактикасини белгилаб берган нутқлари ва бошқа ҳужжатлар ҳам бор. Бу конференция Совет давлатининг капитализм дунёсидаги мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш учун олиб борган курашида катта роль ўйнаган эди.

Улуғ Ленининг турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисида илгари сурган идеяси ҳозирги кунда халқаро миқёсда эътироф этилди. Бу идея Совет давлати ташқи сиёсатининг бош йўлидир.

Тўпламга киритилган асарларнинг кўпчилиги В. И. Ленин асарларининг тўртинчи нашрида эълон қилинган ва шу асарлар тексти бўйича босилади. Бир қанча ҳужжатлар Ленининг XXXVI тўплами ва бошқа нашрлар бўйича босилган (ТАСС).

Улуғ доҳий туғилган куннинг 90 йиллигига

Ерқин муқовали каттагина китоб турибди. Унинг муқовасида зарҳал берилган ҳарфлар билан: «В.И. Ленининг революцион ва давлат фаолияти тарихидан» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Бу китоб Москва давлат университети тарих факультети олимларининг коллектив илмий асарлари тўпламидир. Бу китоб В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига мослаб чиқарилган.

Яқин кунларда улуғ йўлбошчига бағишланган яна бир қанча тўпламлар босилиб чиқади. Булар ичида — «В. И. Ленин ва партия ҳамда давлат қурилишининг баъзи масалалари» деган тўплам ҳам бор. Тўпламга университет олимларининг бир қанча тадқиқотлари киритилган. Москва давлат университетининг доценти А. Коптеванинг «В. И. Ленининг партиянинг бирлиги учун кураши» номли брошюраси кўп нусхада босиб чиқарилмоқда. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 23 МАРТ.

Н. К. КРУПСКАЯ

ИЛЬИЧ ТОПШИРИҒИ

Фанни омма орасига ёювчи кадрлар танлаш соҳасида фанлар академиясида катта ишлар қилинмоқда — бу иш математика, физика, кимё, география, биология, астрономия соҳасида олиб борилмоқда. Бошқа нашриётлар йўли билан ҳам баъзи бир ишлар қилинмоқда. Ижтимоий фанлар соҳасида ҳам баъзи бир ишлар қилинмоқда, лекин бу оз, ҳолбуки сиёсий адабиётга талаб жуда катта. Биз буни қишлоқлардаги кутубхоналар, катталар мактаблари талабларидан биламиз. Яқинда мен бир методикани тузата туриб, у ерда мана бу иборани: «Чала саводлар ҳамма нарсадан кўра кўпроқ техника тўғрисида ва сиёсий адабиётларни талаб қилмоқдалар. Уларни, беллетристика ўқиш лозим, деб кўндиришга тўғри келаётир», — деган сўзларни ўқидим. Чала саводларни беллетристикани ўқишга кўндириб бўлмаётганлиги очиқ кўриниб турибди. Савод чиқариш мактабларининг ўқувчилари савод чиқариладиган дарсликларнинг нуқул беллетристика ҳикояларидан тузилганлигидан норозидир.

— «Можереза» (Люблино станцияси) катталар мактаби ўқитувчиси, ўқувчиларимиз чала саводлар мактабида сиёсий савод дарси йўқлигидан афсусланмоқдалар, дейди.

Владимир Ильич 1918 йилда бир куни квартирамизда адабиётчилар кенгаши чақирди, Ильичнинг фикрича, улар оммабоп тилда ёзишлари мумкин бўлган кишилар эди, чой ичишиб ўтириб, улар билан оммавий китобларни нималар тўғрисида ва қандай қилиб ёзиш масаласи узоқ муҳокама қилинди. Шу кунларда мен педагогикага оид архивимдан Халқ Комиссарлари Советининг Раиси бланкасини топиб олдим, у сарғайиб кетган, тагида имзо ҳам йўқ эди, бу бланкага машинкада эски орфографияда йўл-йўриқ босилган бўлиб, унда қайси масалалар юзасидан оммабоп китоблар ёзиш кераклиги айтилган эди. Бу Ильич берган йўл-йўриқ эди.

Ана шу йўл-йўриқни қуйида келтирамиз:

«Топшириқ: икки ҳафта ичида деҳқон ва ишчилар учун ўқиш китоби тузилсин. Бу китоб айрим-айрим, мустақил, ҳар бири бир бутунни ташкил этадиган 2—4 босма бетлик варақалардан таркиб топиши лозим.

Тили жуда оммабоп, содда, энг оддий деҳқонга мўлжалланган бўлиши лозим. Бундай варақалар сони 50 дан 200 гача бўлиши керак; китобнинг биринчи нашри учун 50 варақа бўлиши керак.

Темалар: Совет ҳокимияти қурилиши, унинг ташқи ва ички сиёсати. Масалан: Совет ҳокимияти нима. Мамлакатни қандай бошқармоқ керак. Ер ҳақида қонун. Совнархозлар. Фабрикаларнинг национализацияси. Меҳнат интизоми. Империализм. Империалистик уруш. Яширин шартномалар. Биз қандай сулҳ таклиф қилаётибмиз. Биз ҳозир нима учун курашаётибмиз.

Коммунизм нима. Черковни давлатдан ажратилиши ва бошқа шу кабилар.

Эски энг яхши варақаларни олиш мумкин ва олмоқ керак, эски мақолаларни қайтадан ишламоқ керак.

Ўқиш китоби оммавий ўқиш учун ва уйда ўқиш учун материал бериши керак, ундан айрим варақаларини олиб босмоқ керак, бошқа тилларга ҳам (унча катта бўлмаган қўшимчалар билан) таржима қилмоқ керак». Бу 1918 йилда ёзилган. У вақтда ана шундай тўплам тузилган эди, аммо қайсидир нашриётнинг ичкарисида нобуд бўлиб кетди.

Ўшандан бери 18 йил ўтди, Ильичнинг бу топшириғи ўша аввалгидек ниҳоят актуал топшириқдир. Аммо ҳозир темаларни бир мунча бошқачароқ танламоқ керак. Бу — ниҳоятда масъулиятли иш. Уни бажармоқ зарур.

В. И. Ленин вагон-музейи

ЛЕНИНГРАД. Москва вокзалининг станция йўлларида тўрт ўқли пассажир вагони турибди. Унинг деразаларига «Вагон-музей. В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Вагон-музей ташкил қилиш идеяси В. И. Ленин билан учрашган кекса темирйўлчи коммунист Н. Н. Коробовда туғилди. Темир йўл Ленинград—Москва бўлимининг меҳнаткашлари ана шу идеяни завқ-шавқ билан қўллаб-қувватладилар. Экспозициялар плани Улуғ Октябрь социалистик революцияси музейининг ходимлари томонидан ишлаб чиқилди. Музейда вагон-музей учун керакли асосий экспонатларнинг ҳаммаси танлаб олинди.

Вагоннинг каттагина қисмини эгаллаб турган хонада В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятининг асосий даврларини ёритадиган материаллар жойлаштирилган. Экспозиция «Ленин — Октябрнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси» ва «Ленин жаҳонда биринчи ишчи-деҳқон давлатининг раҳбаридир», деган бўлимлар билан тамомланади.

Вагон-музейда жуда кўп фотоҳужжатлар ва суратларнинг репродукциялари билан бир қаторда совет ҳокимиятининг дастлабки кунларида чиқарилган варақаларнинг асл нусхалари, жумладан сулҳ ҳақидаги, ер ҳақидаги декретларнинг текстлари босилган варақалар ҳам кўрсатилган. Шунингдек бир қанча макетлар жиҳозланган.

Вагон-музей вагон-клуб билан биргаликда темир йўлга чиқади. Вагон-клубда тарихий-революцион фильмлар кўрсатилади. Музей томошабинлари В. И. Ленининг ёзиб олинган нутқларини тинглайдилар.

Вагон-музей ўзининг биринчи рейсида Октябрь магистралининг 50 тага яқин станциясида тўхтаб ўтади.

Лекция ва суҳбатлар

Оҳангарондаги 9-шахтада улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин тўғрисида лекция ва суҳбатлар системали равишда ўтказилмоқда. Комсомол комитетининг секретари З. Шамкаевнинг мазмунли суҳбатларини кончилар айниқса эътибор билан тинглайдилар. Кончилар кутубхонаси ўқиш залининг мудири С. Цитман Ильич тўғрисидаги адабиётлар тўғрисида сўзлаб берди. Кутубхона активларидан Н. Корпенко эса ишчиларга Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» поэмаси ҳақида сўзлаб берди. Бундан ташқари кутубхонада гениал доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган фото виставка ҳам ташкил қилинган.

ФАН ва ТЕХНИКА Янгиликлари

ГИГАНТ ЭКСКАВАТОР

Свердловскдаги Урал оғир машинасозлик заводида ЭШ-15/90 маркали одимловчи экскаваторнинг дастлабки нусхасини йиғиш тугалланди. Янги агрегат кон саноатида кенг фойдаланиш учун мўлжалланган.

Экскаватор ковшининг ҳажми 15 кубометр, стреласининг узунлиги эса 90 метрдир. Бу машина бир минут ичида ўнларча тонна тупроқ ва фойдали қазилмаларни деярлик 200 метр масофага етказиб беради. Экскаватор билан ҳар йили 4,5 миллион кубометр тупроқ ишлари бажариш мумкин.

РИЧАГ ЎРНИГА КНОПКА БИЛАН

Харьков трактор заводида янги тракторнинг тажриба нусхаси тайёрланди. Бу тракторнинг шу типдаги машиналардан фарқи шундаки, агрегат аввалгидек ричаглар ёрдами билан эмас, балки кнопкалар ёрдами билан бошқарилади. Бу усул мамлакатимиз тракторсозлигида биринчи марта амалга оширилди. «ДТ-20 В» маркали бу трактор токзорларни парвариш қилиш ва чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган оғир иш жараёнларини механизациялашда кенг фойдаланилади.

АЖОЙИБ МАШИНА

Гидротехника ва мелиорация жанубий илмий-текшириш институтининг коллективи тор траншеялар қазиш учун мўлжалланган янги машина конструкциясини яратди. Бу ускуна ёрдами билан траншеяларни 1,5 метр чуқурликда ва водопровод трубалари ҳамда кабеллар сиғадиган даражада бир неча сантиметр кенгликда қазиш мумкин. Бу, оддий экскаваторлар билан траншеялар қазишдагига нисбатан 8-10 баравар кам тупроқ ишларини бажариш имконини беради. Ўз навбатида меҳнат унумдорлиги ошади, иш суръати эса тезлашади, катта кўча ҳамда йўлкалар унчалик бузилмайди. Машина траншеяларни тупроқ билан тўлдиради ва шиббалайди ҳам.

ЯНГИ китоблар

Бу китобларни ўқидингизми? Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Саид НАЗАР. — «Зарафшон мавжлари» (Шеърлар, поэмалар, ҳикоя ва очерклар). 249 бет, тиражи 10.000, баҳоси 6 сўм 20 тийин.

Эминжон АББОС.— «Ёқут юлдузлар. (Шеърлар тўплами). 78 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 75 тийин.

Султон ЖЎРА.— «Очиқ чеҳралар». (Шеърлар тўплами). 129 бет, тиражи 10.000, баҳоси 3 сўм.

Акмал ПЎЛАТ.— «Қўшиқ айтайлик». 42 бет, тиражи 10.000, баҳоси 65 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни нашр этди:

Т. ОДИЛОВ,— «Коммунизм қуриш даврида социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ҳақида». 31 бет, тиражи 13.200, баҳоси 60 тийин.

А. БОБОХОНОВ.— «Ҳамза Ҳакимзоданинг педагогик ғоялари», 35 бет, тиражи 13.200, баҳоси 60 тийин.

ПАРТИЯ ПРОПАГАНДАСИНИ ҲОЗИРГИ ЮКСАК ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Область партия активининг йиғилиши

Ўзбекистон пойтахт области партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори ва шу муносабат билан область партия ташкилотларининг вазифалари қизғин, юксак активлик билан муҳокама қилинди.

Докладчи — область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова ҳам, музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқлар ҳам КПСС Марказий Комитетининг қарори коммунистик қурилишнинг кенг авж олдирилган даври учун партия томонидан амалга оширилаётган тадбирларда муҳим звено ҳисобланажагини алоҳида таъкидлаб кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитетининг қарори бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, район ва шаҳар партия комитетларининг Пленумларида кенг муҳокама қилинди. Идеология ишларини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. КПСС Марказий Комитети қарорини амалга ошириш юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ айрим ишлар қилинди.

ПРОПАГАНДАНИНГ ОММАВИИЛИГИ, ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Партия ташкилотларида партия пропагандаси турмуш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан қанча кўп боғланса, маълум мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борилса, унинг тарбиявий кучи шунча кўп бўлажаги тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда. Бунда партия пропагандаси ҳар бир совет кишисининг юрагига етиб бориши, унда ёрқин туйғулар уйғотиши, шонли ижодий меҳнатга чорлаши лозимлиги ҳисобга олинмоқда.

Кейинги вақтларда коммунистлар ва партиясиз активларнинг марксча-ленинча назария асосларини ўрганишга бўлган қизиқиши бирмунча ошди. Областда 37 мингдан ортиқ коммунист ва партиясиз актив КПСС тарихини ўрганмоқда. 5500 га яқин киши сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализмни, 8 минг киши конкрет экономикани ўрганмоқда. Назарий семинарларда ўқиётган кишиларнинг сони кўпайди.

Кўпчилик пропагандистлар ўз ишларининг натижасига и ш л а б чиқаришнинг барча соҳаларида меҳнат қилаётган тингловчиларнинг эришаётган конкрет муваффақиятларига қараб баҳо бермоқдалар. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ташкил қилинган семинарнинг раҳбари ўртоқ А. Худковский конкрет экономикани ўрганиш соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашди. Тингловчилар назарияни ўрганиш давомида жуда кўп қимматли амалий таклифлар киритдилар. «Главголодностепстрой» бошқармасида ташкил қилинган қурилиш экономикасини ўрганиш тўгарагида ҳам машғулотлар тингловчиларнинг актив иштирокида ўтаётир.

Пропагандист ўртоқ Хусанов тўгарак тингловчилари ўзлари ўрганаётган назарий билимлардан амалий хулосалар чиқариб олишларига эришмоқда. Бу ерда қурилиш экономикасини ўрганиш ишлаб чиқаришга қурилишнинг янги прогрессив методларини жорий қилишга имкон бераётир. Ўтган йили қурувчилар юзларча минг сўмлик маблағ ва материални иқтисод қилиб қолдилар, меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 67 процент оширдилар, қурилиш-монтаж ишлари планини 172 процент бажардилар.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Ўзбекистон металлургия заводи, Бекобод цемент комбинати, Фарҳод гидроэлектростанциясида ҳам конкрет экономика ҳаёт билан маҳкам боғланган ҳолда ўрганилмоқда.

Тошкент молия-иқтисод институти, олий партия мактабининг экономика кафедралари ва сиёсий ҳамда илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг район бўлимлари томонидан биргаликда Оққўрғон, Гулистон ва Чиноз районларида ўтказилган ишлаб чиқариш иқтисодий конференциялари пропагандани ҳаёт билан боғлаб олиб боришнинг ижобий формаси бўлди. Янгийўлда ўтказилган область биринчи иқтисодий конференцияси КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунларини муҳокама қилиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг резервларидан фойдаланиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди.

Шу билан бир қаторда актив йиғилишида партия пропагандасини олиб боришда ҳали жуда кўп камчиликлар борлиги кўрсатилди. Ҳамма жойда ҳам партия пропагандасини ҳаётдан, коммунистик қурилиш практикасидан ажралган ҳолда олиб борилишига барҳам берилган, деб бўлмайди. Кўпчилик партия ташкилотлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, моддий ва маънавий бойликлар мўл-кўллигини яратиш, ишлаб чиқариш даражасини янада юксакликка кўтариш учун кураш идеология ишининг ажралмас қисми эканлигини кўп ҳолларда эсдан чиқариб қўймоқдалар. Мисол учун, Қуйи Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозида (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қобилов) ташкил этилган тўгаракларда машғулотлар ўтказилаётир, лекциялар ўқилаётир-у, лекин кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш қониқарсиз бормоқда.

«Ангренгресстрой» партия ташкилоти ҳузурида икки йиллик иқтисодий мактаб ташкил қилинган. Актив йиғилишида кўрсатилганидек, шаҳар партия комитети иқтисодий мактабда ўқиш яхши бораётир, деб ҳисоблайди. Аслида эса бу нотўғри. Машғулотлар тор ишлаб чиқариш йиғилиши характеридан иборат бўлиб қолмоқда, унда хўжалик аҳамиятига эга бўлган масалаларгина муҳокама қилинмоқда. Назарияни чуқур ўрганиш эса эсдан чиқариб қўйилмоқда. Оҳангарон шаҳар партия комитети идеология ишига, жумладан партия маорифига эътиборни сусайтириб юборган. Янгиер шаҳар партия ташкилотида ҳам партия маорифини ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Актив йиғилиши партия пропагандасининг таъсир доирасини кенгайтириш масаласига катта эътибор берди. Идеология ишида фақат партия маорифи билангина қаноатланиб қолмасдан, аҳолининг барча қатламини қамраб олишни таъминлайдиган бошқа формалардан ҳам фойдаланмоқ зарур. Лекин Фрунзе район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Соқиевнинг кўрсатишича, кейинги вақтгача аҳоли яшаб турган жойлардаги меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш яхши йўлга қўйилмади. Йиғилишда кўрсатилишича кўпчилик агитпунктлар ва агитколлективлар ишламаётирлар.

Партия ташкилотларининг вазифаси — идеология ишининг хилма-хил формаларидан ҳар тарафлама кенг фойдаланишдан, унинг таъсирчанлигини оширишга эришишдан иборат.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Коммунистик ахлоқ характерига эга бўлган, ғоявий жиҳатдан чиниққан ва коммунизм учун толмас курашувчи янги кишини тарбиялаш пропаганданинг асосий вазифаларидан биридир. Йигит ва қизлар коммунистик қурилишнинг барча участкаларида фидокорона меҳнат қилаётганликлари ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишнинг таъсиридан далолат беради. 2350 дан ортиқ комсомол-ёшлар бригадалари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқдалар. 385 бригадага ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу юксак ном берилди. 8115 ёш ишчи коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун мусобақалашмоқда.

Область комсомол комитетининг секретари ўртоқ У. Абдураззоқов ёшлар билан ишлашга эътибор бермаётганлиги учун айрим партия комитетларини ҳаққоний танқид қилди. Пискент, Гулистон районларида, Янгиер шаҳрида комсомол маорифи яхши йўлга қўйилмаган. Юқори Чирчиқ районидаги бир қатор колхозларда комсомол маорифи шохобчаларида тўгараклар фақат қоғоздагина ташкил қилинган.

Студент ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларда жиддий камчиликлар бор. Маданият университетлари фаолиятини кучайтиришга етарли ёрдам берилмаётир.

— Биз, — дейди ўртоқ Абдураззоқов, — республика, область, шаҳар ва район партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарларидан ёшлар билан тез-тез учрашиб туришни, улар ўртасида сиёсий докладлар, қизиқарли лекциялар ўқиб туришни илтимос қилар эдик.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

Омма ўртасида олиб бориладиган партия пропагандаси ва сиёсий ишнинг хилма-хил формалари орасида лекция пропагандаси муҳим ўрин эгаллайди. Областнинг шаҳар ва районларидаги партия комитетларининг лекторлар группалари ва сиёсий ҳамда илмий билимларни тарқатувчи жамият бўлимлари ўз составига 6 мингдан ортиқ лекторни бирлаштирган. Кейинги йилларда йирик корхоналар, колхоз ва совхозларда ҳам лекторлар группалари ташкил этилди. Областда 160 та доимий лекторий ишлаб турибди. Лекторларнинг сифат состави яхшиланди. Улар орасида олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар, партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари бор. Жумладан, Бекобод район партия комитетининг секретари ўртоқ И. Хуснутдиновнинг айтишича, металлургия заводининг директори И. Муҳамедов, бош инженери А. Саленек, цемент комбинатининг директори Н. Ополоник ва бошқа ўртоқлар аҳоли ўртасида докладлар қилиб турадилар.

Актив йиғилишида лекторлар составини янги кучлар билан бундан кейин ҳам тўлдириб бориш лозимлиги кўрсатилди. Энг муҳими шундаки, лекция пропагандасининг ғоявий савиясини ошириш, уни маълум мақсадга қаратилган ва тушунарли бўлишига эришиш зарур.

Лекин бу соҳада ҳали ҳам катта камчиликлар бор.

Айрим ҳолларда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият область бўлимининг ходимлари ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, лекция ўқувчи тасодифий кишиларга имконият бериб, принципсизлик қилмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари С. Каримова, Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари Т. Азимбоева ва бошқа ўртоқлар атеистик пропагандани кучайтириш лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда чиқиб сўзлаган кўпчилик ўртоқлар матбуот, радио, телевидение, маданий-оқартув муассасаларининг идеология ишини яхшилашда катта роль ўйнашини кўрсатдилар.

ПРОПАГАНДИСТЛАР БИЛАН КЎПРОҚ ИШЛАЙЛИК

Актив йиғилишининг қатнашчилари Ленин район партия комитети ҳузуридаги пропагандистлар семинарининг раҳбари ўртоқ Д. Федотованинг сўзини катта қизиқиш билан тингладилар. У, КПСС Марказий Комитетининг қарорида фақат партия пропагандасининг вазифаларигина эмас, балки пропаганда ишининг форма ва методлари ҳам аниқ белгилаб берилганлигини, пропагандистларнинг эса жавобгарлик ҳисси ошганлигини айтди.

Ўртоқ Федотова пропагандистлар семинари ишини ташкил қилиш соҳасидаги тажриба билан ўртоқлашиб, пропагандистларга партия ташкилотлари кун сайин ёрдам бериб туришлари ва уларни қўллаб-қувватлашлари лозимлигини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида пропагандистга кўп сонли топшириқлар бериш манъ этилган. Бундай қилиш нотўғри ва ишга зарар етказади. Шунга қарамай, бу нотўғри практика ҳамон давом этмоқда. Йиғилишда шундай бир мисол келтирилди: пропагандист ўртоқ Чеботарев Ильич номли заводда ташкил қилинган кундалик сиёсат тўгарагига раҳбарлик қилади. Тўгарак яхши ишламоқда. Бироқ ўртоқ Чеботарев бунга осонлик билан эришаётгани йўқ. Бунинг устига уни партия бюросининг, цех касаба союз комитетининг, маъмуриятнинг фаолияти устидан контроллик қилувчи комиссиянинг аъзоси қилиб сайлашган, яна унга ДОСААФ жамиятига раҳбарлик қилиш ва деворий газетанинг чиқарилиши учун жавоб бериш вазифалари ҳам юклатилган.

Бир қатор партия комитетлари пропагандистларнинг семинарларини камдан-кам ўтказадилар, уларнинг ғоявий-назарий ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилмайдилар. Мисол учун, Гулистон район партия комитети партия маорифи шохобчаларида ўқув йили бошланганидан буён пропагандистларнинг семинарини фақат икки марта ўтказган.

Йиғилишда жамоат йўли билан сиёсий маориф кабинетлари ташкил қилиш тажрибасига ижобий баҳо берилди. Ҳозирги вақтда областда 15 та ана шундай кабинет ташкил қилинди.

1-«Боёвут» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Шарофат Бозорова ўз сўзида бригада аъзолари кўклам экишига қандай кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ З. Р. Раҳимбобоева нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши муҳокама қилган масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда барча идеология ишини янада яхшилаш ва КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ф. Е. Титов иштирок этди.

Чорва маҳсулотларини кўпайтирамиз

КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленумидан кейин чорвачилик маҳсулотларини кескин кўпайтириш учун кураш бошладик. Гўшт маҳсулотини ўтган йиллардагига нисбатан икки -уч баравар кўпайтириш мақсадида бўрдоқига боқиш учун анчагина миқдорда қорамол, чўчқа ва қўйлар ажратдик. Натижада ҳозиргача давлатга 721 центнер гўшт сотиб, бир йиллик планни 100,15 процент бажардик. Шунингдек сут топшириш бўйича белгиланган квартал плани ҳам салкам 140 процент қилиб адо этилди.

Ҳозир хўжалигимизда кўплаб чорва моллари бўрдоқига боқилаётир. Бу ишда айниқса Юсуф Нажмиддинов, Мелибой Умрзоқов, Ўрмонжон Охунов сингари молбоқарлар фидокорона меҳнат қилиб бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Ҳар куни бўрдоқиларнинг гўштига-гўшт, ёғига-ёғ қўшилмоқда.

Колхозимиз аъзолари йиллик план бажарилганидан кейин ғайратларига ғайрат қўшиб ишга киришдилар. Улар бундан буён яна 720 центнер гўшт тайёрлаб давлатга сотишга қарор қилдилар. Бошқача қилиб айтганда биз икки йиллик планни бир йилда бажаришга аҳд қилдик.

Ўтган йили ҳам чорвачиликни ривожлантириш соҳасида яхши натижаларни қўлга киритган эдик. Бу соҳадан ҳаммаси бўлиб 2 миллион 452 минг сўм даромад олинган эди. Бу йил чорвачиликни янада ривожлантириш, ундан олинадиган маҳсулотни анча кўпайтириб, таннархини камайтириш учун курашаяпмиз. Шу кунга қадар фақатгина гўшт, сут, тухум бўйича 627 минг 190 сўм фойда келди. Бир килограмм қўй гўшти 4 сўм 70 тийинга тушди. Йил охиригача эса чорвачилик бўйича олинадиган жами даромадни камида 2 миллион 650 минг сўмга етказамиз.

Колхозимизда паррандачилик ҳам йил сайин ривожланаяпти. Биз шу кунгача пландаги 18 минг ўрнига давлатга 35 минг дона тухум сотиб

ўртоқ Абдулла ОРТИҚОВ.

квартал планини 193 процент бажардик. Бу йиллик планнинг 62 процентини ташкил қилади.

Колхозимиз аъзолари ҳар 100 гектар ер ҳисобига энг кўп миқдорда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Бу хусусда улар Рязань, Воронеж областларининг илғор чорвадорларидан ўрнак олаётирлар. Ҳозирги кунда чорва моллари туёғини кўпайтириш мақсадида қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтишига эришмоқдамиз. Ҳар бир қўзи, ҳар бир бузоқ, ҳар бир чўчқа боласи эҳтиётлик билан асралиб парвариш қилинмоқда. Гўшт маҳсулотини кўпайтириш учун эса бўрдоқиларнинг қисқа муддат ичида кўнгилдагидек семириши таъминланаётир. Бу ишга жалб қилинган кишилар бўрдоқиларга ўз вақтида сув, ширали ва тўйимли озуқа бериб, уларнинг семиришини тезлатмоқдалар.

Шунинг билан бирга колхозимизда кўкламги экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилаётир. Техникани, ерни чигит экишга тайёр қилиб қўйдик. Анчагина миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит жамғардик. Ҳозир кўкламги ишларнинг бошқа турлари жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Биз 28 мартдан чигит экишни бошлаб, бу ишни 10 кун ичида туғаллашни мўлжалламоқдамиз. Шунинг учун қолган ғанимат кунларда ер текислаш, бороналаш ишларини ҳам сифатли қилиб туғаллаймиз. Ҳаво исиб ер нормал суратда қизиши билан экишни бошлаб юборамиз. Бу тадбирлар чорвачиликдан ҳам, пахтачиликдан ҳам мўл ва арзон маҳсулот етиштиришни таъминлайди.

Абдулла ОРТИҚОВ,
Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Тўйгул моҳир сут соғувчи

Тўйгул ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ сут соғувчилар сафида бўлишни ҳавас қиларди. У шу мақсадда колхознинг сутчилик фермасига тез-тез келиб, мол боқувчилар, сигир соғувчиларнинг ишларини кузатар, бўш вақтларида уларга ёрдам берар, бу ердаги кишиларнинг ҳурматига сазовор бўларди.

Комсомол аъзоси Тўйгул ўтган йили Охунбобоев номидаги ўрта мактабни тамомлаб етуклик аттестати олгач, сут соғувчиликка қабул қилишларини сўраб, Энгельс номли колхоз правлениесига ариза берди. Колхоз правлениеси Тўйгулнинг илтимосини қондириб, уни сут-товар фермасига ишга юборди. Дастлабки кунлардан бошлабоқ ўз касбини севган қиз яхши натижаларга эриша бошлади. Илғорлар тажрибасидан кўп нарса ўрганган Тўйгул ўтган йили ўзига бириктирилган 16 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 2700 литрдан сут соғиб олиб, фермада ишлаётган касбдошларига намуна кўрсатди.

Оржоникидзе районидаги юз қиз бошлаган ташаббус Тўйгулни ҳам янги муваффақиятларга илҳомлантириб юборди. У бу йил 16 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3200 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилди. Январь, февраль ойларида Тўйгул эришган кўрсаткич унинг ўз сўзи устидан чиқаолишидан дарак бермоқда.

М. АБУБАКИРОВ.
Ўрта Чирчиқ райони.

СИЗ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИНГИЗ?

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида 20 мартгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Районлар номи	Гўшт	Сут	Тухум
Оққўрғон	27,8	16,0	83,5
Бекобод	21,8	23,6	56,0
Бўстонлиқ	17,7	20,0	34,8
Бўка	14,6	13,3	54,1
Юқори Чирчиқ	22,6	19,5	33,9
Гулистон	21,7	19,9	29,0
Калинин	23,8	22,5	26,5
Қуйи Чирчиқ	28,7	20,5	66,0
Оржоникидзе	27,3	18,5	33,6
Пискент	21,6	15,8	29,7
Ўрта Чирчиқ	19,0	19,4	35,0
Сирдарё	25,4	19,3	46,2
Чиноз	27,8	25,1	54,4
Янгийўл	25,3	20,5	43,3
Олмалиқ шаҳри	16,4	19,2	40,0
Оҳангарон шаҳри	30,3	—	72,0
Янгиер шаҳри	23,3	21,9	55,0
«Уззаготскоткорм» шаҳар базаси	13,6	—	—

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз механизаторлари барча универсал ва сеялкаларни чигит экиш мавсумига тахт қилиб қўйдилар. Суратда: (чапдан) механизаторлардан Х. Додажонов, А. Ҳайдаров, К. Мусабоев, А. Раззоқов ўртоқлар ремонт қилинган сеялкаларни кўздан кечирмоқдалар.
М. Шевелев фотоси.

Редакцияга келган хатлардан

Маданий хизмат яхшилансин

Биз яшаб, ишлаётган Киров номли колхознинг биринчи бўлимида маданий дам олиш, яхши ҳордиқ чиқариш учун дурустроқ шароит яратилмаган.

1957 йилда совхоз раҳбарлари электр симлари ўтказиб берамиз деб пул йиғиб олган эдилар. Лекин айрим хонадонларгагина электр келди. Ҳали ҳам кўпгина хонадонларда электр чироқлари йўқ. Бунинг натижасида меҳнаткашларнинг кўпгина қисми радиоприёмник, телевизор, электр асбобларидан фойдаланолмаётир.

Бунинг устига бўлимда на спорт майдончаси, на кутубхона, на кинофильмлар кўрсатадиган клуб бор. Ишчилар, айниқса ёшларимиз бўш вақтларини бекорга зерикиш билан ўтказадилар.

Совхоз раҳбарлари ва район маданият бўлими биз ишчилар учун маданий шароитлар яратиб бериш ҳақида ўйлашлари зарур.

А. ЖЎРАЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз ишчиси.

Устахона битадими, йўқми?

Юзлаб юк ташиш машиналари, дизель автобуслар, юк таксилари ва енгил такси машиналарга эга бўлган Чирчиқдаги 2-автобаза йирик автомобиль хўжаликларидан бири ҳисобланади.

Бундан икки йилча аввал айрим ташкилот ва корхоналарнинг кичик-кичик автомобиль хўжаликлари ҳам ана шу автобазага бирлаштирилди. Натижада автобаза паркининг иш ҳажми анча кенгайди. Автобаза шаҳардаги 160-қурилиш трестининг 225, 228 ва 229-УНРларига, шунингдек кўплаб корхона ва муассасаларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бироқ базада шу чоққача замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устахона йўқ. Бу масала бундан 5—6 йил муқаддам ўртага ташланган бўлса ҳам охири 1958 йилда амалга оширила бошланган эди. Уч йилдан буён қурилаётган устахонанинг энди томи ёпилди, холос. Уни жиҳозлаш, асбоб-ускуналарни монтаж қилишдан дом-дарак йўқ.

Устахона қурилишининг судраб юборилаётганлиги автомашиналарни капитал ва жорий ремонт қилиш муддатларининг узайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда автобаза планларининг муваффақиятли бажарилишига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир.

Автобаза директори Мироненко, бош инженери Гришенко, гараж мудири Рижетс ва устахона бошлиғи Кошелев ўртоқлар коллектив олдида жуда кўп ваъда берадилар-у, аммо автобаза фаолиятининг жонланиб кетишида муҳим аҳамиятга эга бўлган устахона қурилишини жадаллаштириш ҳақида чинакамига қайғурмайдилар. Биз ана шу раҳбар ўртоқлардан улар ҳали ҳам ваъдабозлик қилаберадиларми ёки амалий ишга ўтадиларми, шуни очиқ айтиб беришларини талаб қиламиз.

Т. ЎРУНОВ,
пенсионер.

Уч йилдан бери қуруқ гап

Тошкент Совнархози озиқ-овқат саноати бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ф. ЕРОЗИДИ диққатига!

Абдуҳаким аравачанинг юкини бўшатди, сўнг уни пресс олдига келтирди-да, бу ердаги оғир рамкаларни бирин-кетин кўтариб, аравачага тахлай бошлади. Ишчининг пешонасидан тер оқаяпти, қўллари қаварган. Ҳа, кун бўйи оғир меҳнат қилиш осон эмас. У саккиз соат давомида ҳар бири 60 килограммдан келадиган рамкаларни кўтаради, пресс олдидан қирқиш машинасининг ёнига 400—500 килограмм совун ортилган аравачани ўнларча марта етаклаб бориб, бўзчининг мокисидек қатнайди. Бунинг устига юк туширишни айтмайсизми! Балки сиз бу сатрларни ўқиб Абдуҳакимни юк ташувчи деб ўйларсиз. Йўқ, бундай эмас. Абдуҳаким Зокиров—Янгийўл ёғ заводининг малакали ишчиси. Бас шундай экан, нега у бундай шароитда ишлаяпти?

— Гап шундаки, заводимиз техника жиҳатидан анча юксалган бўлса-да, лекин ҳали ҳам кўпгина оғир ишлар қўл кучи билан бажарилмоқда.

— Корхона раҳбарлари кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришга эътибор бермаяптилар, — дейишади бир овоздан ишчи А. Семенов ва М. Горольченко ўртоқлар.

— Совунларни решеткаларга жойлаштириш ва решеткаларни сушилкага тахлашда ҳам роса терлаяпмиз,— дейди улар.

Бундай эътирозларни бошқа ишчилардан ҳам эшитиш мумкин. Завод раҳбарлари қўл кучи билан бажарилаётган ишларни механизациялаштириш, цехни янги, юқори унумли машиналар билан ускуналаш тўғрисида 3 йилдан буён гапирадилару, бироқ иш шундан нарига жилмайди. Ҳар гал улар ишчиларни:

— Совнархозга заявка берганмиз, яқинда янги машина оламиз, — деб юпатишади. Лекин ишни енгиллатувчи машинадан ҳамон дарак йўқ. Прессда қотирилган совунларни ташишдан бошлаб, уни штамплашгача бўлган жуда кўп ишлар ҳалигача даққи юнусдан қолган эски усулда бажарилмоқда. Ваҳоланки, бу ерга «Матсони» маркали ёхуд Краснодар машинасозлик заводи ишлаб чиқарган автоматлар келтирилса, заводда совун пишириш ва ишлашнинг сифат ва суръати кескин даражада ошарди, ҳар куни ҳозирги 14 тонна ўрнига 30 тоннагача совун чиқариш мумкин бўлар эди.

Янгийўл ёғ заводининг маъмурияти (директори Тошпўлатов, бош инженери Зуфаров ўртоқлар) ҳам, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши озиқ-овқат саноати бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Ерозиди) ҳам бу ҳақда ўйлаб кўриши зарур.

«Тошкент ҳақиқати»нинг ишчи мухбирлар пости:
А. ТОЖИБОЕВ, бригада бошлиғи.
В. ПУХЛЕВИЧ, цех бошлиғи.
Ш. РАҲМАТОВ, ишчи.
М. ГАИНУТДИНОВ, бригада бошлиғи.
Б. МИРЗААҲМЕДОВ, «Янгийўл» газетасининг ходими.

Дам олувчиларга қулай шароитлар яратилсин

Областимизда бир қанча дам олиш уйлари, курортлар, санаторийлар ишлаб турибди. Бу муассасаларда меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари, шифо топишлари учун катта имкониятлар бор. Лекин айрим дам олиш уйлари ва санаторийларнинг раҳбарлари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмайдилар.

Масалан, Қибрай дам олиш уйида бўлган киши бир қатор камчиликларни кўриб ранжийди. Бу дам олиш уйида маданий-оммавий ишлар яхши ташкил қилинган эмас. Дам олиш уйидаги телевизордан ҳам тўла фойдаланилмайди. Бу ерда чойхона, сартарошхона ҳам йўқ.

Шунингдек «Яланғоч» санаторийсида ҳам маданий-оммавий ишлар яхши ташкил қилинган эмас. Бу ердаги даволанувчилар бўш вақтларини зерикиб ўтказадилар. Санаторийдаги режимга риоя қилмаслик, унда истиқомат қилувчиларга яхши маданий ва медицина хизмати кўрсатмаслик бу ерга келган ҳар бир кишини ранжитмоқда.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Курорт, санаторий ва дам олиш уйлари бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Андрианов) бу икки муассасадаги камчиликларни тугатсин деб талаб қиламиз.

Қ. КАМОЛИДДИНОВ,
М. ОЧИЛОВ,
дам олувчилар.

Кўчатлар қаровсиз қолмоқда

Тошкентнинг Апанасенко ва унга туташган Ленинград, Дзержинский кўчаларига ҳар йили давлатнинг маблағи сарфланиб, дарахт кўчатлари ўтқазилади. Лекин яхши парвариш қилинмаганлиги ва вақти-вақти билан суғориб турмаслик натижасида кўчатлар саратон кўрмай қуриб қолади. Давлат маблағи шамолга учади.

Шу кўчада гурувчи хонадонлар, 29-алоқа бўлими, Карантин институти ва «Интурист» конторасининг ходимлари ўз кўчаларига ўтқазилган кўчатларнинг нобуд бўлишига бефарқ қараб келмоқдалар.

Ҳар йилдагидек 1959 йилда ҳам шу кўчаларга кўчат ўтқазилди. Лекин ўтқазилган кўчатларни парвариш қиладиган одам бўлмади. Кўчатлар қуриди, синдирилди.

Наҳотки мазкур территорияда яшовчи аҳоли ва ташкилот ходимлари ўз кўчаларининг кўкаламзор ва соя-салқин бўлишига бефарқ [...] расалар. Киров ва Фрунзе ра[...] коммунал хўжалигининг раҳбар[...] ҳам кўчатларни парвариш қил[...] етарли эътибор бермаётирлар.

Шаҳарнинг кўпгина маҳалла[...] ва кўчаларида маҳалла комисси[...] ри ҳамда уй бошқармалари бош[...] ларининг ташаббуси билан якш[...] ликлар ўтказилиб, неча м[...] меҳнаткашлар шаҳарни ободо[...] тиришга муносиб ҳисса қўшмо[...] Бундай кўча ва маҳаллаларни[...] ши ташаббусларини қўллаб[...] лаш ва кенг оммалаштириш [...] Ўтқазилган ҳар бир кўчат уч[...] жойдаги хонадон ва ташкил[...] жавобгарлик ҳиссини уйғо[...] Ишни шундай ташкил қилин[...] ки, кўчаларга давлат маблағ[...] ланиб, ўтқазилган бирор туп [...] кўчати нобуд бўлмасин.

В. МУ[...]
пенсионер.

Ёрдам керак

Бундан роса бир йил илгари «Таштрансмаш» заводида халқ дружинаси тузилди-ю, орадан кўп вақт ўтмай тарқаб кетди. Чунки завод раҳбарлари унинг ишига эътиборсизлик билан қарадилар. Штаб бошлиғи Тюменов эса фаолиятсизлик кўрсатди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин халқ дружинаси қайта тузилди. Унинг 30 аъзоси бор. Лекин, дружинанинг иши ҳамон ўнгалмай турибди. Бу масала завод партия ташкилотида муҳокама қилини[...] на ишини жонлантириш, у[...] ратив ишлаши учун ша[...] яратиб бериш тўғрисида қа[...] қилинди, яхши тадбирлар [...] ди. Бироқ орадан анча ва[...] бўлса ҳам, ўша яхши тад[...] ли амалга оширилгани й[...]

У. У[...]
«Таштрансмаш» [...] гилли халқ дружи[...] нинг бошлиғи.

„Тошкент ҳақиқати“нинг Мухбирлар постидан

Санамай саккиз деган раҳбарлар

Мусобақадош Фарғона область пахтакорларининг вакиллари Юқори Чирчиқ районида бўлганларида айрим хўжаликларнинг кўкламга суст тайёргарлик кўраётганлигини кўрсатиб ўтган эдилар. Шундан кейин районда катта ўзгаришлар бўлди: кўп хўжаликлар ерни экишга тайёрлаш, ўғит тўплаш, техника ремонти соҳасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилдилар. Бироқ айрим колхоз раҳбарлари мусобақадошларнинг қимматли маслаҳатларини оғизда хурсандчилик билан қабул қилдилар-у, амалий ишга келганда «бугун-эрта»дан нарига ўтмадилар.

Ўртоқ Инсофали Талаббоев раислик қилаётган Сталин номли колхоз бу йил салкам 900 гектар ерга чигит экиб, ҳосилдорликни 30 центнерга кўтариш мажбуриятини олган. Бу вазифани тўлатўкис бажариш учун аввало кўплаб маҳаллий ўғит тўплаб ерни семиртириш керак. Бироқ колхоз раҳбарлари бу муҳим ишни унутиб қўйдилар. Район партия комитетининг раҳбарлари ҳам, фарғоналик пахтакорлар ҳам, колхозингизда гўнг тўплашга эътибор берилмаётир, деб қайта-қайта айтган бўлишларига қарамай бу иш билан шуғулланувчи бригада тузилмади. Ишчи кучи ва транспорт ажратилмади.

Кейинги кунларда колхоз раҳбарларининг кўнглига ғул-ғула тушиб қолди. Ахир маҳаллий ўғит тўплашнинг аҳволи шу бўлса, улар район раҳбарларига нима деб жавоб берадилар. Шунинг учун осонгина бир йўл топилди. Колхоздагилар далага чиқарилмаган гўнгни чиқарилди деб районга қалбаки маълумот бера бошладилар.

Колхознинг Сталин номли участкасида 3 та йирик бригада бор. Бу бригадалар 328 гектар пахта майдонига эга. Колхоз раҳбаларининг айтишига қараганда, бу бригадаларнинг ҳар бири гектар бошига камида 30 центнердан ҳосил етиштиришлари керак. Шуни назарда тутиб гўнг тайёрлашнинг аҳволи билан қизиқдик.

Колхоз идорасида тўпланган маълумотда ўртоқ Мусабек Қолдибеков бошлиқ бригадада 785 тонна гўнг далага чиқарилганлиги кўрсатилган. Биз бригада томон йўл олганимизда ўртоқ Қолдибековнинг ўзидан сўрадик:

— Далага қанча гўнг чиқардингиз?

— 50—60 тонна бўлиб қолди.

Бригадирнинг гапида озгина жон бор экан. У 115 гектар ер ҳисобига далага чиқарилган 25—30 тонна гўнгни фақат икки баравар кўпайтириб, 50 — 60 тонна деб қўяқолибди. Демак, бригада бўйича планда белгиланганига нисбатан 20 — 25 баравар кам гўнг тайёрланиб далага чиқарилган.

Ўртоқ Исмоил Кубеев бошлиқ бригадада 1500 тонна гўнг тайёрланиши керак эди. Текширишда далага фақат 30 тонна гўнг чиқарилганлиги аниқланди. Колхоз раҳбарлари эса бу рақамнинг ёнига битта чиройли «О» қўйишиб «300» га айлантиришибди. 118 гектар пахта майдонига эга бўлган ўртоқ Жўлдос Қолқўзиев бошлиқ бригадада пландаги 1750 тонна ўрнига 470 тонна гўнг тайёрланган. Бу ҳам маълумотдаги қуруқ рақам. Аслида бригада пахта далаларида 100—150 тонна атрофида маҳаллий ўғит бор.

Бундан салкам икки ой аввал районга; «Сталин номли участкада сув йўлларини тозалаш туғалланди», деб маълумот берилган эди. Аслида бу ҳам кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас экан. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам участкада 4 километрдан ортиқроққа чўзиладиган «Тескари» ариқ тозаловсиз ётибди.

Колхознинг бошқа участкаларида ҳам бўлиб биринчи навбатда далага гўнг чиқаришнинг бориши билан танишдик. Колхоз раҳбарлари, жумладан бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Сарибоев «от-аравалар гўнг ташияпти» дейишди. Ҳақиқатда эса ўша куни ҳам, ундан олдинги кунларда ҳам далага гўнг чиқарилмаган. Хўш, колхозда кўкламга тайёргарликнинг шунчалик бўшашиб кетганлигига сабаб нима?

Дастлаб шуни айтиш кераки, колхоз раиси И. Талаббоев ва бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Сарибоев ўртоқлар пахта далаларида жуда кам бўладилар. Жойларда ишнинг бориши билан юзаки танишадилар. Хусусан раис И. Талаббоев участкаларнинг раҳбарлари нима деб айтса шунга ишонаверади. Оқибатда колхозда меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Ҳозирги кунгача колхоздаги бирорта бригада бошлиғи ҳам ўзига қанча ишчи кучи, қанча техника бириктирилганлигини билмайди. Уларга ер майдони билан олинадиган ҳосил аён ҳолос. Колхоз раҳбарлари бўлса бу аҳволни била туриб кўкламги дала ишларини қизитиб юбориш тадбирларини белгиламаётирлар. Улар «ўтган йили ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил етиштирган эдик, бу йил камида 30 центнердан «оқ олтин» кўтарамиз» дейдилар-у, бу юксак мажбуриятни бажаришга яраша иш қилмаётирлар. Очиғини айтганда, Сталин номли колхоз раҳбарлари орқа-ўнгларини ўйламай, санамай саккиз деб юрибдилар.

Ерга чигит ташланишига саноқли кунлар қолди. Колхоз раҳбарлари, бригада бошлиқлари қолган ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, чигит экишга тайёрланиш ишларини қизитиб юборсинлар. Акс ҳолда улар мажбуриятни бажаришни таъминлай олмай, район меҳнаткашлари олдида юзлари шивит бўлиб қоладилар.

Р. ДОВУТБЕКОВ, районадаги «Олға» газетасининг редактори.
В. И. ТЕРЕШЧЕНКО, қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош агрономи.
Н. И. ЦОЙ, район комсомол комитетининг секретари.
С. СУЛТОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири.

Тошкентда бир йилда 100 минг квадрат-метр уй-жой майдони қура оладиган уй қуриш комбинати иншоотлари қурилиши тамомланди. Суратда: янги комбинат қурилишида иштирок этган совет ва француз мутахассисларидан Андрэ Шонер (чапда), Пьер Тессье, комбинат директори В. С. Скребнев, Жерар Шамбрелан ва комбинат бош инженери А. С. Любомирский.
Р. Шамсуддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Бетайин график билан“

Виставка кўчасида қатнайдиган 8-троллейбус ва 7-трамвай маршрутларидаги бетартибликлар тўғрисида газетамизнинг шу йил 16 февраль сонида босилган танқидий хабарга редакция қуйидаги жавобни олди:

«Хабарда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. 7-маршрутда трамвайларнинг қатъий график бўйича қатнаши, тўхташ жойларига ҳар 15 минутда трамвай келиб туриши йўлга қўйилди.

Троллейбусларнинг қатнашида юз берган камчиликлар ҳам бартараф қилинди. Машиналар резина билан таъмин этилди. Айрим троллейбусларнинг охирги тўхташ жойига бориб етмасдан қайтиб келиш ҳолларига чек қўйилди.

Тошкент трамвай-троллейбуслар трестининг бошқарувчиси
ТУРСУНОВ».

Областимизнинг Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозда яқинда янги кутубхона очилди. Колхозчилар бу ердан янги китоб, журнал ва газеталар олиб ўқимоқдалар. Суратда: колхоз кутубхонасида. А. Тўраев фотоси.

Хотин-қиз лекторлар мукофотланди

Республикамиз меҳнаткашлари орасида сиёсий ва илмий билимларни тарқатишда самарали ишлаганликлари учун ҳамда халқаро хотин-қизлар куни — 8-Мартнинг 50 йиллиги муносабати билан республикамизнинг актив жамоатчи лекторларидан 52 киши Бутуниттифоқ сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Жамиятнинг Тақдирномаси билан мукофотландилар, шунингдек 67 хотин-қиз Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тақдирномаси билан мукофотланди.

Мукофотланганлар орасида донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Тошкент область партия комитетининг секретари Ҳадича Мусахонова, иқтисод фанлари кандидати Ҳакима Зоҳидова ва бошқа пешқадам хотин-қизлар бор.

Қ. ҲАТАМОВ.

КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ОЙЛИГИ

СТУДЕНТЛАР ШАНБАЛИГИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентлари [illegible] кўчат ўтқазиш шан[illegible] [illegible]илар. Шанба[illegible] [illegible]ртта [illegible] ва терак экдилар. Совхоз ишчиларидан Э. Бобоев, Н. Қурбонов ва О. Ғойибовлар ўзларига бириктилган участкаларга кўчат ўтқазиб бўлдилар.

А. Кўчаров.

КОРХОНА АТРОФИГА

Мирзачўлдаги пахта тозалаш заводига қарашли Олтин Ўрда, Пахтаобод, Донариқ пахта тайёрлаш пунктлари атрофи йилдан йилга соя-салқин бўлиб бормоқда. Завод коллективи корхона атрофини янада кўкаламзор қилишга киришиб, кўчат ўтқазишни қизитиб юборди. Ишчилар қисқа вақт ичида 6 минг туп мевали ва 5 минг туп декоратив дарахтлар экдилар.

К. Қаҳҳоров.

Экранида

24 МАРТДА

[illegible].30. Ёш ёзувчиларнинг [illegible]лари (рус тилида).
[illegible].50. Илмий оммабоп [illegible] — «Қанотли душман[illegible]» (ўзбек тилида).
[illegible].10. Саноат ходимлари [illegible] ўзбек тилида «Бир про[illegible]нинг қиммати» деган [illegible]ириш.
[illegible].25. Сўнгги ахборот.
[illegible].45. Ўзбек тилида адабий [illegible]ириш. «Ленин мукофо[illegible] [illegible]қдим этилган асарлар».

ДОВЮРАКЛАР

(БОШ БИРИНЧИ БЕТДА)

Аммо, ёнилғи тугаб қолмоқда эди. Зиганшин кемани кўрфазнинг қумлоқ соҳилига чиқариб, шу тариқа уни қутқариб қолишга қарор қилди. Бироқ, охирги пайтда кеманинг олдида соҳилнинг тор қояли участкасидаги «Шайтонтепа» деб аталган катта тош тўсиқ пайдо бўлди. Кемани соҳилга чиқармоқ учун қулай жойни қидиришни давом эттиришга тўғри келди. Катта тўлқин кемага урилиб, ундаги кўмирни ва двигатель мойи солинган бочкани денгизга суриб туширди. Моторист Ф. Поплавский мотор бакларида ёқилғи қолмаганлигини хабар қилди. Мотори ишламай қолган кема денгизда ўзича суза бошлади. Шамолнинг юриши бирданига ўзгарди. 17 январь кечқурун соат 10 ларда тўлқин кемани очиқ океанга олиб кетди. Соҳил билан радиоалоқа боғлашга ҳар қанча уринилса ҳам, натижа чиқмади.

Кеманинг ичи ва мотор бўлими муздек сув билан тўлган эди. Денгизчилар 20 соат бу табиий офат билан тўхтовсиз курашиб, ҳолдан кетдилар, улар ҳали иссиғи кетмаган мотор олдига келиб, навбатма-навбат исиниб турдилар. Тўфон тўхтамай давом қила берди. Яхшики, денгиз тўлқинлари экипаж аъзоларидан биронтасини ҳам касал қилиб қўймади.

18 январь эрталабки пайтдагина младший сержант Зиганшин кема юзасига чиқиб, алоқа узилиб қолганлигининг сабабини тушунди: шамол антеннани улоқтириб юборган эди. У, минг машаққат билан шикастни бир амаллаб тузатди. Япон радиостанцияларининг заиф сигналлари эшитила бошлади. Бироқ, база билан алоқа боғлашнинг имкони бўлмади. Оқим ва шамол кемани шарқи-жанубга томон олиб кета берди.

Экипаж кемада тартиб ўрнатишга қарор қилди. Кеманинг ички бинолари кўздан кечирилганида, ҳамма нарса бузилганлиги аниқланди. Младший сержант Зиганшин кўпчилик бўлиб ишлаб уни тузатишга буюрди. Иш жуда кўп эди, кемадан сувни чиқариб ташлаш, кийимларни ва кўрпа-тўшакларни қуритиш, кеманинг ичида тартиб ўрнатиш керак эди. Шу ишларнинг ҳаммаси шиддатли тўфон бўлиб турган шароитда бажарилиши керак эди.

Кемада бир оз миқдорда озиқ-овқат запаси бор эди. Лекин бўрон вақтида ичим сув солинган бочка ағдарилиб кетди. Кемада бўлган атиги бир буханка нон, бир килограмм крупа, олти бўлак чой ва уч бўлак кофе денгиз сувида қолиб номакобга айланган эди. Бир оз қолган тамаки запаси ҳам шилта ҳўл эди. 12 килограммга яқин картошка бор эди, лекин бунинг устига ҳам машина мойи тўкилиб кетибди. Двигатель учун ишлатиладиган чучук сувнинг запас бакига ҳам шўр сув тўкилганлиги маълум бўлди. Фақат 2 килограмм гўшт консерваси ва 1,5 килограмм ёғ омон қолган эди.

19 январь эрталаб бўлганидагина биринчи марта овқат пиширишга муваффақ бўлинди. Бироқ, пиширилган картошкадан машина мойи бурқимоқда эди. Қорин тўйгач, уйқу босди.

Кунлар бирин-кетин ўта берди. Овқат запаслари тугамоқда эди. Тамаки тамом бўлди. Ёш солдатлар, эрта-индин бизни топиб олишар, деган умид билан яшамоқда эдилар. Баржада Тинч океаннинг марказий қисмида совет ракеталарининг синови ўтказилиши тўғрисидаги хабар ва шу районнинг харитаси босилган газета топилиб қолди. Уларда синовлар ўтказиладиган жойга келаётган кемалар бизни кўриб қолишар, деган умид туғилди. Йигитлар, бизнинг баржамиз ахир бир кун кемалар кўп қатнайдиган районга чиқиб олар, деб умидвор эдилар ва шундай бўлишини билар эдилар. Экипаж аъзоларидан бири денгизни мутгасил кузатиб турди.

Қолган озиқ-овқат қатъий равишда тақсимлаб қўйилди. Ҳар кун бир марта овқатланиш учун бу миқдор етмас эди. Улар бир неча дона картошка, бир қошиқ крупа ва бир қошиқ гўшт консерваси солиб шўрва қайнатишга одатландилар. Шўрвага туз ўрнида денгиз суви солинар эди, чунки кемадаги тузни тўфон бутунлай учириб кетган эди. 27 январда моторист Крючковский туғилган кун нишонланди. Шу муносабат билан шўрвага одатдаги нормадан икки дона ортиқ картошка солинди. Ўртоқлар шу куни 21 ёшга тўлган Анатолийни самимий қутладилар.

23 февралда дўстлар Совет Армияси ва флоти куни билан бир-бирларини табрикладилар. Аммо, шу куни овқат қилишнинг иложи бўлмади. Кемада атиги бир қошиқ крупа ва бир дона картошка қолган эди.

Двигателнинг бакидаги чучук сув тамом бўлганидан кейин кунига бир неча қултум ёмғир суви билан кифояланишга тўғри келди. Йигитлар этик ва гармонь терисидан шўрва пиширишга қарор қилдилар. Бу шўрвага мой ўрнига солидол солинди. Дўстлар неча қайталаб ўқиб чиққан китобларини ёқиб, шўрва пиширдилар.

Совет солдатлари чеки йўқ океанда 49 кун давомида мана шу баржада ўзларининг қаҳрамонлик жасоратларини бутун оламга намойиш қилдилар.

Интернейшнл Юнайтед Пресс фотоси.

Ҳатто, энг қийин дақиқаларда ҳам совет йигитларининг руҳи сира тушгани йўқ. Улар бир-бирлари билан ҳазиллашар эдилар. Жангчиларнинг қалин дўстлиги энг қийин синовлардан ўтди.

2 март кундузи Зиганшин олисдан ўтиб бораётган бир кемани кўрди. Улар кемага ҳар қанча имласалар ҳам, кемадагилар уларни кўрмади. Баланд кўтарилаётган тўлқинлар баржанинг олдини тўсиб қўя берди. 6 мартда кечаси қаттиқ сел ёғаётган вақтда Зиганшин экипажни яна уйғотди. Баржадан 10 миля нарида чироқлар ёқилган кема ўтиб бормоқда эди. Совет денгизчилари қўл сиренасини чалдилар, фонарь ёрдами билан сигнал бердилар. Бироқ, бу кема ҳам уларни сезмай ўтиб кетиб, қоронғиликда тез ғойиб бўлди.

Эртаси кун Анатолий Крючковский рубканинг деразасини очган эди, унинг кўзига пароходнинг қораси кўринди. Кейинги ҳафтада дармони қолмаган денгизчиларнинг кўзлари ҳам хиралана бошлаган эди. Олисда ҳақиқатан ҳам қандайдир бир кема ўтиб бормоқда эди. Тўрт совет солдати нигорон бўлиб қараб турган бу кема ҳам аста-секин кўздан ғойиб бўлди. Кундузи Поплавский билан Федотов ётиб дам олдилар. Зиганшин билан Крючковский охирги этикни ва гармонь қолдиқларини солиб, «шўрва» қайнатишга киришдилар. Овқат пишай деб қолганида, Зиганшин моторларнинг гувуллаган овозини эшитди. У, палубага чиққанида, баржа тепасида айланиб учаётган самолётларни кўрди. Американинг «Кирсарж» авианоси баржанинг олдига яқинлашди. Тепадан учиб келган вертолётлар учига белбоғ боғланган арқонни баржага туширдилар. Кимдир русчалаб «Сизларга ёрдам, сизларга ёрдам!» деб қичқирди.

Америкалик денгизчилар совет жангчиларини сидқидил билан кутиб олдилар. 15 март эрта саҳарда қаҳрамон денгизчилар авианосга тушиб, Сан-Францискога келдилар.

Ҳозир бутун совет халқи ҳақли равишда фахрланаётган бу йигитларнинг ўзлари ким? А. Зиганшин — тракторчи, Ф. Поплавский — сувоқчи, А. Крючковский — слесарь, И. Федотов Амурдаги почта катерининг шкипери бўлиб ишлаган йигитлардир. Уларнинг ҳаммаси жанговар ва сиёсий тайёргарликнинг аълочилари бўлиб, ҳарбий бурчни намунали бажарганликлари учун неча қайталаб ташаккур олганлар.

36-баржанинг бутун экипажи яқиндагина, ўтган йилнинг декабрь ойида денгизда ўз кемалари тешилиб қолганида, бу кемани моҳирлик ва мардлик билан тузатганликлари учун қўмондонлик томонидан қимматли совғалар билан мукофотланган эдилар. Ўшанда бу кемада 20 пассажир, шу жумладан, олтита бола бор эди.

Очлик, уйқусиз тунлар ва океан тўфони билан курашиб ўтказилган шиддатли етти ҳафта орқада қолди. Улар дам олаётган Гленковдан узоқда Тинч океаннинг совуқ тўлқинлари гувулламоқда. Лекин совет йигитлари Ватанимизнинг денгиз чегараларида оғир, аммо, фахрли вахтада туриб хизмат қилаётган ўз ўртоқларини қайта-қайта эсга олмоқдалар.

Журналистлар, Ф. Поплавскийдан «яқин келгусида нималар қилмоқчисиз» деб сўраган эдилар. «Мен, деди у, ойим ва синглимни жуда соғиндим. Шу вақт ичида улар менинг тўғримда қанчалик қайғирганликларини биламан. Менинг яна битта истагим бор: Тинч океан бўйидаги ўртоқларим олдига яна қайтиб боришни орзу қиламан».

Чет элларда

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУРИЯ РАЙОНИГА СОВЕТ ТЕХНИКА ЁРДАМИ

ДАМАШҚ, 21 март. (ТАСС). Сурия матбуоти СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов бошчилигидаги совет иқтисодий делегациясининг Бирлашган Араб Республикасига қилган визитига катта эътибор бермоқда. Барча газеталар Сурия билан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида, 1957 йилда тузилган битимга мувофиқ, Бирлашган Араб Республикасининг Сурия районига техника ёрдами кўрсатиш масаласи юзасидан ана шу делегациянинг Бирлашган Араб Республикаси масъул ходимлари билан олиб борадиган музокаралари ҳақида хабар берадилар.

«Аннаср» газетаси «Совет Иттифоқи Фирот дарёсида тўғон қурилишига ёрдам беради» деган сарлавҳа остида қуйидагиларни ёзади: СССР 30 та ҳар хил саноат корхонасини қуришда Сурия районига техника ёрдами кўрсатмоқда. Фирот дарёсида тўғон ва электростанция қурилиши, деб таъкидлайди газета, энг муҳим объект деб ҳисобланади. Электростанциянинг биринчи навбати қурилиб бўлганидан кейин, 100 минг киловатт электр қуввати беради. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши 120 минг гектар майдонни суғориш имконини беради ва Халаб ҳамда яқин жойлардаги районларнинг хўжалик эҳтиёжларини электр қуввати билан таъминлайди.

СССРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ЖИДДИЙ ЎРГАНИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 март. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлиги Вашингтондан хабар беради: АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр бугун Оқ уйда давлат секретари К. Гертер билан маслаҳатлашди. Агентликнинг билдиришича, бу кенгашда Совет Иттифоқининг ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Женевада киритган янги таклифлари муҳокама қилинди.

Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Хэгерти кенгашда муҳокама қилинган бошқа масалалар орасида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги совет плани ҳам бор эди, деди. Хэгерти бу план «жиддий суратда ўрганилмоқда» деб таъкидлади.

Совет ҳукуматининг Женевада киритган янги таклифлари тўғрисида Ғарбий Германия матбуотининг фикри

БОНН, 21 март. (ТАСС). Ғарбий Германия матбуоти ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги янги совет таклифларини қизғин шарҳламоқда.

«Вестфелише рундшау» газетаси «Совет ҳукуматининг Женевада киритган таклифи кенгашни боши берк кўчадан олиб чиқиши мумкин» деб таъкидлайди.

«Франкфуртер рундшау» газетаси совет таклифи АҚШ да ядро қуролини ер остида синаб кўришни ва тактик ядро қуролининг баъзи турларини такомиллаштиришни истаётган муайян доираларнинг дидига ёқмаётганлигини кўрсатади. Ғазета ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги янги совет таклифи сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, деб эътироф қилади.

Индонезия қуролли кучлари информация бўлимининг ахбороти

ЖАКАРТА, 22 март. (ТАСС). АНТАРА агентлиги хабар беради: Индонезия қуролли кучлари информация бўлимининг мудири подполковник Сунарьо кеча матбуот вакилларига айтдики, 50 кишидан иборат шайканинг 20 мартда Бандунгдаги кавалерия ўқув юртига қилган ва муваффақиятсиз чиққан ҳужуми қўпорувчи элементларнинг Индонезия территориясида тартибсизлик вужудга келтириш йўлидаги уринишларидан биридир.

АНТАРА агентлигининг мухбири Бандунгдан хабар беради: Ана шу ҳужум натижасида ҳужум қилган кишилардан 7 таси ўлдирилди ва 37 таси қамоққа олинди. Индонезия армиясидан капрал Мустара ҳалок бўлди.

ЦЕЙЛОННИНГ ЯНГИ БОШ МИНИСТРИ

КОЛОМБО, 21 март. (ТАСС). Бугун бирлашган миллий партиянинг раҳбари Дадли Сенанаяке Цейлоннинг янги бош министри қилиб тайинланди.

Цейлоннинг собиқ бош министри Даханаяке парламент сайловида ўтмай қолганлиги сабабли истеъфо берди.

Бош министр Сенанаяке бугун матбуот конференциясида Цейлон ҳарбий блокларда қатнашмаслик сиёсатига амал қилади, деди.

ГРУЗИЯ АНСАМБЛИНИНГ НЬЮ-ЙОРКДАГИ БИРИНЧИ КОНЦЕРТИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 март. (ТАСС). Кеча Нью-Йоркдаги «Метрополитен опера» залида Грузия ССРда хизмат кўрсатган халқ рақси ансамбли коллективининг биринчи концерти бўлди. Концерт ғоят муваффақиятли ўтди. Тамошабинлар деярлик ҳар бир номерни такрорлашни талаб қилдилар ва грузин халқ рақси қобилиятли усталарини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

[illegible]анция маданий [illegible]устаҳкамланмоқда

[illegible] Россиясининг турмалаларига [illegible]маларига Беранженинг [illegible]ган шеърлари қўлёзма [illegible] кўчиб юрган. Улуғ француз ёзувчиси Ги де Мопассан ўз асарларининг бирини И. С. Тургеневга бағишлаган. У Тургеневни ўзига устоз деб билган. Ромен Роллан Лев Толстойнинг генийсига тан берган, Максим Горький эса ёш ёзувчиларни Рабледан Барбюсгача бўлган улуғ француз гуманистларининг ижодини чуқур ўрганишга чақирган эди.

[illegible]ида [illegible] диққат[illegible] [illegible]ган янгилик [illegible]щчев. Тинч-тотув [illegible]даги мулоҳазаларим» [illegible] бўлди. Бу тўпламда [illegible]щчевнинг уруш ва тинч[illegible]лаларига оид фикрлари [illegible]сини топган. Ҳозир фран[illegible]тобхонлари орасида М. Горький, В. Маяковский, Н. Островский, И. Эренбург, Б. Полевой, Г. Николаева В. Некрасов, Д. Гранин каби совет ёзувчиларининг асарларига қизиқиш янада кучайди. «Эдисьон сосьял» нашриётида В. И. Ленин асарлар тўпламининг дастлабки олти томи босилиб чиқди.

Француз матбуотининг ёзишича, совет бадиий, сиёсий ва илмий-техника адабиётларига бўлган қизиқиш ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Бунинг сабаби, газеталарнинг таъкидлашича, Совет ҳукумати бошлиги Н. С. Хрущевнинг Францияга қиладиган сафаридир. Французлар Совет Иттифоқи ҳақида кўпроқ нарса билишни истайдилар.

Мамлакатимиз билан Франция ўртасидаги маданий алоқаларнинг ўтмиши бой, ҳозири яхши ва келажаги порлоқдир. Ҳар иккала мамлакат ёзувчи, рассом, композитор, артистларининг доимо ўзаро алоқада бўлиб туришлари уларнинг ижодларини бойитиб келмоқда. Улуғ француз «эрк куйчилари» Вольтер, Руссо, Монтескьеларнинг асарларини Радищев, Пушкин, Чаадаев, Рилеевлар қизиқиб ўқиганлар. Жандармлар қамоққа олинган Пестель ёнидан француз революцион шеърларининг китобини топиб олганлар.

Француз авторларининг Совет ҳокимияти йилларида нашр этилган китоблари 130 миллион нусхага етди. Бу асарлар мамлакатимиздаги 50 миллатнинг тилига таржима қилинган. Совет театрлари саҳнасида француз классик ва ҳозирги замон драматургиясининг энг яхши асарлари ўйналмоқда. Айни вақтда француз театрларида Достоевский, Чехов, Толстой, Горький, Маяковскийларнинг асарлари қўйилмоқда. Француз жамоатчилиги кейинги йилларда Пушкин, Гоголь, Чехов юбилейларини кенг нишонлади. Совет жамоатчилиги эса Рабле, Гюго, Вольтер хотираларини зўр ҳурмат билан эслаб ўтди. Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги замон француз ёзувчи ва шоирларидан Луи Арагон, Эльза Триоле, Веркор, Роже Вайян ва бошқалар бир неча марта бўлдилар. Францияда М. Шолохов, И. Эренбург самимий кутиб олинди.

Маданий делегациялар ва бадиий коллективларнинг иккала мамлакатга бориб келиши тобора кенгаймоқда. Французлар Большой театрнинг балет труппаси, Малий Бадиий, академик театр коллективи, «Березка» давлат ансамбли тамошаларини қизиқиш билан кузатдилар.

Совет тамошабини француз халқининг санъатига юксак баҳо бермоқда. 1954 йилдан 1959 йилгача бўлган даврда Москва, Ленинград, Киевда «Комеди Франсэз», «Миллий халқ театри» (ТНП), Париж операсининг балет труппаси каби шон-шуҳрат қозонган коллективлари ўз муваффақиятларини намойиш қилдилар.

Икки халқни бир-бирига яқинлаштиришда кино санъати катта имкониятларга эга. Совет экранларида Франция ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларнинг жуда кўпи кўрсатилаётир. Иккала мамлакат экранларида бадиий фильмлар фестиваллари тез-тез ўтказилмоқда. Буржуа газетаси «Орор», «Турналар учмоқда» деган совет фильмига «Совет кино санъатининг шоҳона асари француз тамошабинини қойил қолдирди» деб баҳо берди. Бу фильм «Қирқ биринчи», «Инсон тақдири», «Тинч оқар Дон», «Денгиз ҳақида поэма» каби фильмлар билан бир қаторда Париж, Лион, Марсель, Нанте шаҳарларида катта муваффақият қозонди. Французлар «Н. С. Хрущев Америкада» деган фильмни зўр иштиёқ билан томоша қилдилар.

Февралнинг охири — мартнинг бошларида Франция ва Совет Иттифоқи экранларида «Мосфильм» ва Париждаги «Алькамфильм» студиялари томонидан суратга олинган «Нормандия — Неман» фильми кўрсатила бошланди. Бу фильм иккинчи жаҳон уруши даврида ҳамкорликда фашизмга қарши жанг қилган совет ва француз қуролли кучларининг жанговар ишларини ҳикоя қилади. Ўрта Осиёда янги француз-совет фильми «Шарқда қандай янгиликлар бор» деган картинани суратга олиш ишлари тугалланмоқда.

Кейинги йилларда француз-совет маданий алоқаларининг янада жонланганлиги Францияда рус тилини ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтириб юборди. Бир қатор ўқув юртлари, илмий-текшириш марказлари, корхоналарда рус тилини ўрганиш тўгараклари тузилган.

Москва ўқитувчилар уйида бир неча йилдан бери ҳаваскорлар театр коллективи бўлиб, француз тилида Мольер ва Корнел, Гюго ва М. Паньол асарларини қўймоқда.

Кейинги йилларда Москвада бир қанча шаҳарларда Пуссен, Делакруа, Шарден, Домье, Марке, Гоген, Дег, Пиккасо ва бошқа атоқли француз рассомлари асарларининг виставкалари намойиш қилинди. Совет музейлари ҳам Францияда кўрсатиладиган рус ва совет санъати виставкалари учун материаллар тайёрламоқдалар.

Мамлакатимиз ва Франция фан арбоблари ўртасида қадимий ва мустаҳкам алоқалар мавжуд. Француз географи Э. Реклю машҳур асари «Ер ва одамлар»ни ёзганда рус географларидан Л. Мечников ва П. Кропоткин унга ўз материалларини юбориб турган эдилар. Париж Фанлар академияси 1888 йилда машҳур рус математиги Софья Ковалевскаяга олтин медаль берган эди. Парижда улуғ француз микробиолог олими Л. Пастер билан йирик рус олими И. Мечников ҳамкорликда ижодий иш олиб борган эдилар. Ўнлаб рус фани арбоблари, шу жумладан машҳур олимлардан Н. Гамалея, И. Павлов, Н. Семашко, К. Биков ва бошқалар ўзларининг француз ҳамкасблари билан доимо алоқа қилиб турганлар.

Француз физиологлари турли проблемаларни ҳал қилганларида И. П. Павлов таълимотига асосланадилар. Францияда улуғ рус селекционери И. В. Мичуриннинг издошлари кўп. Парижда совет медицинасининг ютуқларидан ахборотлар бериб турувчи журнал чиқиб турибди. 212 илмий муассаса фан ва техниканинг барча соҳаларидаги совет нашрларини олиб туради.

Совет ва француз олимлари бир-бирлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Совет аудиторияларида улуғ француз физик олимларидан Фредирик ва Ирэн Жолио-Кюри, Ф Пэррен ва бошқалар лекциялар ўқиганлар. Совет академикларидан Сказкин, Волгин Нечкина Париж университети профессорларидан Ренуар, Жито ва бошқалар билан тарих проблемаларини муҳокама қилганлар. Икки мамлакатдаги йирик ўқув юртлари ўртасида студентлар айрибошлаш йўлга қўйилди. Француз олимлари совет олимларидан А. Колмогоров, П. Александровларнинг фан олдидаги хизматларини тақдирлаб, уларни Париж университетининг адьюнкт-профессорлари қилиб сайладилар, академик Е. Н. Павловский эса мазкур университетнинг фахрий доктори қилиб сайланди.

Совет ва француз халқларини яқинлаштиришда, улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада кучайтиришда «Франция — СССР» Ассоциацияси катта роль ўйнамоқда. Бу ассоциацияга ўн мингларча француз ишчилари, деҳқонлари, зиёлиларнинг вакиллари, кўзга кўринган жамоат ва сиёсий арбоблар аъзодирлар. Ассоциация ўз журналини нашр этмоқда. Иттифоқимизда ҳам худди шундай ишларни қилаётган «СССР-Франция» Жамияти мавжуддир.

Йилдан-йилга СССР билан Франция ўртасидаги турли-туман маданий алоқалар ўсиб, ривожланиб бормоқда. Лекин имкониятларнинг ҳаммасидан ҳали фойдаланилгани йўқ: бу ишларнинг истиқболи порлоқ. Жумладан, яқинда икки мамлакат ҳукумат органлари ўртасида музокаралар бўлиб, 1960 йилда маданият, фан ва техника соҳасидаги совет-француз алоқалари программаси имзоланди. Бу ҳужжатда адабиётлар айрибошлашни, олимлар, мутахассислар, студентлар ва ўқитувчиларнинг бориш-келишларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Париж ва Москвада тасвирий санъат виставкалари ташкил қилиш планлаштирилган. Энг яхши театр ва музика коллективларининг гастроллари уюштирилади. Туристлар ва спорт делегациялари айирбошлаш кенгайтирилади.

Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстона алоқалари кенгайиб, бир-бирларининг маданиятларини бойитиб, икки мамлакат халқларининг тинчлик манфаатлари йўлидаги ҳамжиҳатлигини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Г. ДРАГУНОВ.

Тошкентнинг тамоша залларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23, 24/III да премьера **Дон-Кихот.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Тоға-жиянлар,** 24/III да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Ошиқ Ғариб,** 24/III да **Муқимий.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Нина** ва **Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** аттракционининг сўнгги кунлари. Кеч соат 8 да бошланади.

Хўрланганлар (1-серия) — «ВАТАН» (кундуз соат 1 да), «МИР» (Шумилов шаҳарчаси, кундуз 4, кеч 6 ва 8 да), 2-серия — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Кечубей (кенгэкранли) — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 10 да).

Бой ила хизматчи (кеч соат 5 да ўзбек тилида), **Мексика осмони тагида** (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Биринчи ранг капитан — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 ва 9 да).

Ўн иккинчи тун — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 5 ва 8-20 минутда).

Копток — «ЎЗБЕКИСТОН»; «СПУТНИК» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кобиллик — «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тарих сабоғи — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 да ўзбек тилида).

Бу воқеа Пеньковда бўлган эди — «ИСКРА» (3-залда кундуз ва кечқурун).

Кичик оролда — «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Рус балети усталари — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 12, 1-25, 2-50, 4-15 ва кеч 9 яримда).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларига спектаклларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

25/III да — **Муқимий.**
26/III да — **Ошиқ Ғариб.**
27/III да — **Фарғона ҳикояси.**
28/III да — **Ватан ишқи.**
29/III да — **Олтин кўл.**
30/III да — **Фарғона ҳикояси.**
31/III да — **Оқ нилуфар.**

Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

баҳорги каникул кунларида — 24 мартдан 31 мартгача

катта кундузги тамошалар

ҳамда **Нина** ва **Александр Капитановлар** раҳбарлигида

«ЧАНГАЛЗОРДАГИ ҲОДИСА» аттракциони.

Тамошалар кундуз соат 4 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808. 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 05123. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1558.